

الْمُتَّبِعِينَ لِمَا يَنْهَوْنَ عَنْهُ وَيَحْتَسِبُونَ مَا وَعَدَ اللَّهُ الْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ
الَّذِينَ كَفَرْنَ مِنْ أَجْلِ الْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ

«(Менинг номимдан) айт: «Эй ўз жонларига жавр қилган бандаларим, Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманг! Албатта, Аллоҳ барча гуноҳларни мағфират этар. Албатта, Унинг Ўзи ўта мағфиратлидир, ўта раҳмлидир. Сизга азоб келишидан олдин Роббингизга қайтинг ва Унга мусулмон бўлинг. Сўнгра сизга ёрдам берилмас», деган (53-54-оятлар).

Аллоҳ таоло Марям сурасида:

فَوَسَّفَتْ آوَاهُشَلَا أَوْعَبَّتْ أَوْعَالِصَلَا أَوْعَالِصَلَا أَوْعَالِصَلَا أَوْعَالِصَلَا
أَيَّعَنَ نَوَقُولِي

نَوْمَلِطِي الْوَعْنَجَلَا نَوْلُخَدِي كَلَّيْلُؤُفَ أَحَلِصَلَمَعَوَ نَمَّأَوَبَاتِ نَمَّأَلِ
أَيَّيَش

«Бас, уларнинг ортидан бир ўринбосарлар қолдики, улар намозни зое қилиб, шаҳватларга эргашдилар. Бас, тезда ёмонликка йўлиқурлар. Магар ким тавба қилса ва иймон келтириб, амали солиҳ қилса, бас, ана ўшалар жаннатга кирурлар ва ҳеч зулм қилинмаслар», деган (59-60-оятлар).

Аллоҳ таоло Фурқон сурасида:

هُلَلَا مَّرَحِيَّتِي لَسَفَنَلَا نَوْلُتَقِي الْوَرَحَ أَلَلَا لَعَمَّ نَوْلُغَدِي الْوَقُولِي
أَمَاتُ أَوْلِي كَلَّيْلُؤُفَ نَمَّوَنَوْلُزِي الْوَقُولِي

أَنَاهُمَ هِي فَذَلَّخِي وَوَمَإِي قَوْلَا مَوِي بَادَعَلَا هَلْ فَعَاصِي

مَوَاتُ أَيَّيَسُ هَلَلَا لَدَّبِّي كَلَّيْلُؤُفَ أَحَلِصَلَمَعَوَ نَمَّأَوَبَاتِ نَمَّأَلِ
أَمَيَحَّرَ أَرُؤُفَ هَلَلَا نَكْوَاتِ أَسَح

«Улар Аллоҳ билан бирга бирор илоҳга илтижо қилмаслар. Аллоҳ (ўлдиришни) ҳаром қилган жонни ноҳақдан ўлдирмаслар. Зино қилмаслар. Ким ана шуни қилса, уқубатга дучор бўлур. Қиёмат куни унинг азоби бир неча баробар кўпайтирилур ва у(азоб)да хор бўлиб, мангу қолур. Магар ким тавба қилса, иймон келтириб, солиҳ амал қилса, бас, Аллоҳ ана ўшаларнинг ёмонликларини яхшиликларга алмаштирур. Аллоҳ ўта мағфиратлидир, ўта раҳмлидир», деган (68-70-оятлар).

